

**ИНВЕСТИЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Расулова Шарифа Ғайбуллаевна

ЖизПИ, доценти

Маматова Гулмира Асқар қизи

ЖизПИ, талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.16891871>

Аннотация: Ушбу мақолада инвестиция жараёнларини самарали ташкил этиш ва уларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинади. Инвестицион сиёсатнинг устувор йўналишлари, молиялаштириш манбалари ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари кўриб чиқилади. Шунингдек, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги, хорижий инвестицияларни жалб қилиш омиллари ҳамда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича амалий таклифлар илгари сурилади. Тадқиқот натижалари инвестиция фаолияти самарадорлигини ошириш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга қаратилган.

Калит сўзлар: инвестиция жараёнлари, инвестиция сиёсати, молиялаштириш манбалари, давлат-хусусий шериклик, хорижий инвестициялар, инвестиция муҳити, иқтисодий ўсиш, самарадорлик, молиявий стратегия.

Abstract: This article examines the issues of effective organization of investment processes and the improvement of their financing mechanisms. The paper analyzes the priority directions of investment policy, funding sources, and ways to use them efficiently. Special attention is given to public-private partnerships, factors influencing foreign investment attraction, and practical recommendations for improving the investment climate. The research findings are aimed at enhancing the efficiency of investment activities and stimulating economic growth.

Keywords: investment processes, investment policy, financing sources, public-private partnership, foreign investment, investment climate, economic growth, efficiency, financial strategy.

Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштиришда эътиборга олиниши лозим бўлган ва принципиал аҳамиятга молик бўлган масалалардан яна бири, бизнингча, инвестицион сиёсат ҳисобланади. Инвестицион сиёсат давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг кўринишлари (таркибий қисмлари)дан бири бўлиб, у ўзида давлатнинг

инвестицион фаолиятга нисбатан муносабатини мужассам этади. Унда инвестицион фаолиятга нисбатан давлат сиёсатининг мақсади, йўналиши ва инвестицион фаолиятни давлат томонидан бошқаришнинг шакллари ўз аксини топади. Ҳозирги пайтда қуйидагиларни давлат инвестиция сиёсатининг мақсадлари сифатида кўрсатиш мумкин:

- инвестицион фаолиятни амалга ошириш учун молиявий ресурсларни мобилизация (жалб) қилиш;
- инвестицион фаолият пасайиб (сусайиб) кетишининг олдини олиш;
- қурилиш борасида давлатнинг мақсадли махсус дастурларини амалга ошириш;
- инвестицияларнинг таркибий ўзгаришларини таъминлаш ва самарадор-лигини ошириш ва б.

Инвестицион сиёсат давлат, хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, хусусий инвесторларнинг инвестицияларини қамраб олади.

Бозор муносабатлари ўзига хос тарзда ривожланаётган Ўзбекистонда инвестицион сиёсатнинг замонавий йўналишлари таркибига қуйидагилар киради:

- инвестицион фаолиятдаги устуворликларни аниқлаш. Ҳозирги шароитда давлатнинг мақсадли дастурлари, ижтимоий объектлар ва амал (ҳаракат)даги ишлаб чиқаришлардаги асосий фондларни кенгайтириш ва модернизация қилишга йўналтирилган инвестицияларга кўпроқ ва аксинча, янгидан бошланадиган қурилиш объектларига камроқ устуворлик бериш алоҳида аҳамият касб этади;

- иқтисодиётдаги ҳақиқий (реал) аҳволни ҳисобга олган ҳолда давлат дастурларига инвестиция харажатларини оптималлаштириш. Бунда миллий иқтисодиётнинг ҳаётий зарур тармоқларига бюджетдан субсидия ажратиш муҳим аҳамият касб этади;

- фойда ва амортизация ажратмалари ҳисобидан маблағларни инвестициялаштиришда инвестор-корхоналарнинг ҳуқуқларини кенгайтириш;

- инвестицияларни бюджетдан молиялаштиришни қисқартириш ва шунга мос равишда, нодавлат инвестициялаштириш соҳасини кенгайтириш. Бунда инвестицион дастурларни молиялаштиришда давлат ва нодавлат секторлари иштирокининг схемасини (масалан, 1 сўмга : 4 сўм ёки бошқа нисбатларда) аниқлаш, давлат буюртмасидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга;

- инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш ва инвестицион харажат-ларнинг қопланиш муддатларини қисқартириш, биринчи навбатда, юқори самара берадиган ва тез қопланадиган объектларга инвестицияларни жойлаштириш. Бу ерда вазифа инвестицион мақсадлар учун сарфланаётган ҳар бир сўмлик маблағга маҳсулот ва миллий даромаднинг энг юқори суратларда ўсишига эришиш тарзида қўйилиши керак.

Истиқболдаги инвестицион сиёсат давлат томонидан инвестицион фаолиятни тартибга солишни такомиллаштиришни кўзда тутди.

Юқоридагиларнинг барчаси инвестицион фаолиятни молиялаштириш тартиби, манбалари, уларнинг таркиби, таркибий тузилмаси, миқдори ёки ҳажми (кўлами) билан боғлиқ бўлган масалаларга ўзининг таъсирини кўрсатадики, уларнинг барчасини инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинаётган ва бу борада тегишли илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиляётган пайтда ҳисобга олиниши керак.

Шундай қилиб, инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаш-тиришда ҳисобга олиниши керак бўлган учинчи масала, яъни инвестицион сиёсатга нисбатан ҳам ўз қарашимизга эга бўлдик. Энди навбатдаги таянч нуқтага нисбатан ўз позициямизга эга бўлишимиз керак. Шу мақсадда изланишларимизни яна давом эттирамиз.

Инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштиришдаги фундаменталь масалалардан бири, бу аввало, “инвестицион фаолиятни молиялаштириш”нинг ўзига нисбатан аниқ бир ёндашувни шакллантириш ҳисобланади.

“Инвестицион фаолиятни молиялаштириш”нинг ўзидан кўриниб турибдики, унинг маъно-мазмунини ёки моҳиятини, энг аввало, “инвестиция”, “инвестицион фаолият” ва “молиялаштириш”лар белгилаб беради. Биз бу ўринда фақат “молиялаштириш”га нисбатан ўз позициямизни шакллантириш билан чекланамиз, холос.

Дастлаб шуни афсус билан қайд этиш керакки, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “молия”, “молиявий” ва “молият” деган сўзларга изоҳ берилган бўлса-да, негадир бу масалада “молиялаштириш” сўзи эътибордан четда қолган. Ҳолбуки, бу сўзнинг эквивалент варианты дунё бошқа халқларининг тилларида мавжуд. Хусусан, “молиялаштириш”нинг рус тилидаги эквивалент варианты “финансирование” бўлиб, у ўзбек

тилида, энг аввало, “маблағ чиқариш (ажратиш), маблағ билан таъминлаш” маъноларини англатади.

Ушбу сўзнинг инглизча варианты “financing”дан иборат бўлиб, унинг ўзбекча маъноси “миллий иқтисодиёт ривожланишини, ижтимоий-маданий тадбирларни, мудофаани ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларни зарурий молиявий ресурслар билан таъминлаш”ни билдиради. Молиялаштириш хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари, давлат бюджетининг ассигнова-ниялари ва бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

“Молиялаштириш”нинг мазмун-моҳиятига нисбатан худди шундай фикрлар бошқа манбаларда ҳам учрайди.

Демак, юқоридаги мулоҳазаларимиздан “инвестицион фаолиятни молия-лаштириш” деганда, энг аввало, шу фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий ресурслар (маблағлар) билан таъминлаш тушунилади, деган мантиқий хулоса келиб чиқади.

Бир вақтнинг ўзида, бу ерда инвестицион фаолиятни молиялаштириш жараёни ўз ичига нималарни қамраб олиши мумкинлиги ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, кўпчилик ҳолларда эътироф этилганлар инobatга олинадиган бўлса, у ҳолда инвестицион фаолиятни молиялаштириш жараёни ўз ичига а) амалдаги тартиб қоидаларга мувофиқ молиялаштиришни очиш; б) кредит тақсимловчиларга ресурсларни бериш; в) пул маблағларининг мақсадли ва иқтисод қилиб самарали сарфланиши устидан назоратни амалга оширишни қамраб олади. Уни молиялаштириш ҳажми эса кўзда тутилаётган (мўлжалланаётган) харажатлар ва уларни таъминлаш манбалари асосида аниқланади, дейишимиз мумкин.

Юқорида баён қилинганларни эътиборга олган ҳолда, бизнинг фикримизча, инвестицион фаолиятни молиялаштиришга қуйидагича таъриф бериш мумкин: *инвестицион фаолиятни амалга ошириш мақсадида амалдаги тартиб қоидаларга мувофиқ молиялаштиришни очиш, кредит тақсим-ловчиларга ресурсларни бериш, пул маблағларининг мақсадли ва иқтисод қилиб самарали сарфланиши устидан назоратни амалга оширишга инвестицион фаолиятни молиялаштириш дейилади.*

Энг умумий тарзда, хўжалик юритувчи субъектлар доирасида инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари;

- қарзий маблағлар ва жалб қилинган маблағлар.

Ўз навбатида, бундай мақсадлар учун фойдаланилаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари таркибига қуйидагилар киради:

- фойда;

- махсус фондлар (ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди; фан ва техникани ривожлантириш фонди; социал ривожлантириш фонди) нинг маблағлари;

- амортизация ажратмалари;

- йўқотмаларни қоплаш кўринишида суғурта ташкилотлари томонидан тўланадиган маблағлар;

Инвестицион фаолиятни молиялаштиришда хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари етмаганда бундай мақсадлар учун қарзий маблағлар ва жалб қилинган маблағлардан фойдаланиш мумкин. Уларнинг таркибига тижорат банклари ва инвестицион фондларнинг кредитлари ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг қарз маблағлари киради. Ўз навбатида, улардан инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбалари сифатида фойдаланиш хўжалик юритувчи субъектларнинг бу маблағлардан самарали ва иқтисод қилиб сарфлашдан моддий жавобгарлигини оширади. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда амалиётда молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг ўртача 45,0% хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган бўлса, унинг қолган қисми, яъни 55,0% қарзий маблағлар ёки жалб қилинган маблағларга тўғри келмоқда.

Шундай қилиб, ушбу мақоламиз доирасида биз инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштиришда фундаменталь аҳамиятга эга бўлган ва албатта, ўз таъсирини кўрсатадиган масалалар, яъни инвестицион сиёсат ва инвестицион фаолиятни молиялаштириш хусусида ўз позицияларимизни шакллантиришга муваффақ бўлдик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. 5 жилдли. Ж.П. Е–М / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎЗР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б.611.

2.Русча-ўзбекча луғат. Икки томли. II том. П–Я. Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси. – Т.: 1984. - Б. 669.

3.Финансово-кредитный словарь. Т.III. Р–Я. – М.: «Финансы и статистика», 1988. – С.292